

№ 198

БҮҮРҮТМАЧИ НУСХАСИ

“ALOQALOYIHA”
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Муаллифлик назоратини ўтказиш бўйича
03641-АН-сонли шартнома

ТОШКЕНТ-2021

Муаллифлик назоратини ўтказиш бўйича 03641-АН-сонли шартнома

Тошкент ш.

09.07.2021й.

“ALOQALOYINA” ДУК номидан Устав асосида фаолият юритувчи ва бундан буён “Бажарувчи” деб аталувчи Директори Д.Камилов, бир томондан ва “Binolardan foydalanish va kapital qurilish direksiyasi” Давлат муассасаси номидан Устав асосида фаолият юритувчи ва бундан буён “Буюртмачи” деб аталувчи Директор Ф.Алиев, иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб аталади, қуйидагилар ҳақида мазкур Шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1 “Бажарувчи” “Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Лабзак кўчаси 70-уй манзилида жойлашган Дирекция ҳудудидаги 0006-Литер “Е” устaxonа биносини транспорт воситалари учун ёпиқ шаклдаги автотураргоҳга мослаштирилиши ҳамда бинонинг олд қисмида очиқ шийпонли автотураргоҳ ташкил қилиш ва 0007-Литер “Ж” устaxonа биносини транспорт воситалари ва хайдовчилар хонасига мослаштириш” лойиҳаси доирасида муаллифлик назоратини ўтказишни, “Буюртмачи” эса, бажарилган ишлар натижасини қабул қилиш ва ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

1.2 “Бажарувчи” муаллифлик назорати натижаларига кўра муаллифлик назорати журналинини юритади.

1.3 Шартнома томонлар мажбуриятларини бажармагунча юридик кучга эга.

2. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАРНИНГ ҚИЙМАТИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1 Мазкур Шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг қиймати 15 фоиз ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 2 990 000 (Икки миллион тўққиз юз тўқсон минг сўмни) ташкил қилади.

2.2 “Буюртмачи” мазкур Шартнома имзоланганидан кейин 10 кун давомида “Бажарувчи”нинг ҳисоб рақамига умумий сумманинг 30 фоизи миқдорида аввалдан аванс тўловини ўтказиб беради.

2.3 Бажариладиган ишнинг умумий қийматининг қолган 70 фоизи бажарилган ишларни қабул қилиб далолатнома ва ҳисоб-фактура имзоланганидан сўнг 10 кун давомида тўлаб берилади.

3. ИШНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1 Ишлар бажарилганидан кейин “Бажарувчи” “Буюртмачи”га муаллифлик назорати бўйича натижаларини тақдим этади.

3.2 “Буюртмачи” бажарилган ишлар бўйича натижаларни қабул қилишга келмаган ҳолатда, “Бажарувчи” ишлар натижасини, шунингдек “Буюртмачи” томонидан тақдим этилган ҳужжатлар мажмуини, ишлар натижасини “Буюртмачи” қабул қилиши лозим бўлган муддат давомида тегишли равишда сақланишини таъминлайди.

3.3 Ишлар бажарилишининг яқунланиши, ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси ва ҳисоб-фактураси билан расмийлаштирилади.

3.4 “Буюртмачи” томонидан ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси ва ҳисоб-фактураси имзоланмаган тақдирда, “Бажарувчи” бу ҳолатни қайд этиб, кўрсатилган ҳужжатларни буюртма илова хати билан биргаликда “Буюртмачи”нинг манзилига юборади.

3.5 “Буюртмачи” томонидан мазкур шартноманинг 3.4-бандида кўзда тутилган буюртма илова хати билан юборилган ҳужжатлар имзоланмаган ёки ёзма жавоб берилмаган тақдирда, “Буюртмачи”га хат юборилган кундан бошлаб 10 календар кун ўтгандан кейин, мазкур шартнома бўйича ишлар бажарилган ҳисобланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1 “Бажарувчи” қурилишни муаллифлик назоратини амалга ошириш бўйича қуйидаги хизматларни амалга ошириши шарт:

- қурилиш жараёнида объектни қуриш бўйича бажарилган ишларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўзда тутилган лойиҳа ечимларига мувофиқлиги, технология (шу жумладан қурилишни ташкил қилиш бўйича лойиҳавий ечимлар)га мувофиқлиги, қурилиш-монтаж ишларининг сифати ва технологик ва бошқа турдаги ускуналарни монтаж қилиш мувофиқлигини, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириши;

- лойиҳалаш ҳужжатларидан четга чиқиш ва қурилиш қоидалари талабларини бузилиши, қурилиш-монтаж ишларида, технологик ва бошқа турдаги ускуналарни ўрнатиш жараёнида номувофиқликлар аниқланганида дарҳол буюртмачига хабар бериш, шунингдек уларни бартараф этиш тартиби тўғрисида кўрсатмалар бериши;

- “Буюртмачи” ва бошқа манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар (давлат назорати органлари ва бошқалар) билан келишилган ҳолда белгиланган тартибда лойиҳа ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш;

- “Буюртмачи”нинг илтимосига биноан лойиҳа ҳужжатлари бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар бериш;

- объект (объектлар мажмуаси)ни қуриб битказилган қурилишни қабул қилиш ва фойдаланишга топширишда иштирок этиш.

4.2 “Бажарувчи” ШНҚ 1.03.07-2010 “Қурилишни лойиҳалаштириш ва техник назорат қилиш тўғрисидаги қоидалар” талаблари ва меъёрларига мувофиқ хизмат кўрсатиши шарт.

4.3 “Буюртмачи” қуйидаги мажбуриятларга эга:

- ШНҚ 3.01.04-19 ва ШНҚ 1.03.07-2010 га мувофиқ белгиланган тартибда Қурилишни муаллифлик назорати журнали асосида муаллифлик назоратини қабул қилиш ва тўлаш;

- муаллифлик назорати билан шуғулланадиган мутахассисларни турар жой ва офис бинолари, транспорт ва бошқалар билан таъминлаш;

- муаллифлик назорати бўйича тугалланган ва қабул қилинган ишлар учун Шартнома шартларига мувофиқ тўловни амалга ошириш;

- ушбу Шартноманинг иштирокчилари бўлган томонлар ўртасида мувофиқлаштирувчи ҳаракатларни амалга ошириш учун ваколатли вакилни тайинлаш;

- пудратчи томонидан муаллифлик назорати изоҳларини сўзсиз бажарилишини таъминлаш, бунинг учун, агар керак бўлса, томонларнинг келишуви билан лойиҳалаш қарорларида қўшимча ҳажмлар пайдо бўлиши шarti билан қўшимча ишларни молиялаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1 Мазкур шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки тегишли даражада бажарилмаган тақдирда, “Буюртмачи” ҳамда “Бажарувчи” Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ мулкий жавобгарликка тортиладилар.

5.2 Агар “Бажарувчи” ишларнинг бажариш муддатларига риоя қилмаса, у ҳолда ҳар бир кечиктирилган кун учун “Буюртмачи”га бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида, лекин бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.3 Агар “Буюртмачи” бажарилган ишларнинг ҳақини ўз вақтида тўламаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун ўз вақтида тўланмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, лекин тўланмаган суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.4 Мазкур шартнома бўйича юзага келувчи барча низолар ва келишмовчиликлар Тошкент туманлараро Иқтисодий суди томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибга мувофиқ ҳал қилинади.

6. ШАРТНОМА ШАРТЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ

6.1 Мазкур Шартнома томонлар имзолаган вақтдан бошлаб кучга киради ва томонлар мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амал қилади. Агар “Буюртмачи” кўриб чиқиш ва оферта қабул қилиш учун Шартномани олганидан кейин 5 кун давомида ўз томонидан Шартноманинг имзоланган нусхасини “Бажарувчи”га қайтармаса, у ҳолда Шартнома имзоланмаган ва қонуний кучга кирган эмас деб ҳисобланади.

6.2 Икки томоннинг розилиги билан Шартнома бекор қилинганда ва Шартномада кўзда тутилган ишлар “Бажарувчи” томонидан қисман бажарилган ҳолатларда, “Буюртмачи” ишларнинг бажарилган қисми учун ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Бунда “Буюртмачи” ишларнинг бажарилган қисми учун тўланадиган сумма бўйича ҳисоб-китоб ишларига нисбатан эътироз билдириш ҳуқуқига эга бўлмайди.

6.3 Шартноманинг бекор қилиниши фақат томонларнинг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

7. ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР (ФОРС-МАЖОР)

7.1 Томонлар, энгиб бўлмас фавқулодда вазият юзага келган ҳолларда, мазкур Шартнома мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажариш масъулиятидан озод этилади. Фавқулодда вазиятларга: ёнғин, сув тошқини, zilзила ва бошқа табиий офатлар, уруш, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг мазкур Шартнома мажбуриятини бажарилишига тўсқинлик қиладиган қарорлари киради.

8. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ

8.1 Томонлар, Шартнома мазмуни, шунингдек ушбу Шартнома билан боғлиқ Томонларга тақдим этилган барча ҳужжатлар Томонларнинг тижорат сири эканлиги ҳамда уларни бошқа Томоннинг ёзма рухсатисиз ошкор қилмасликка келишиб оладилар.

8.2 Томонлар, бу билан коррупцияга қарши қонунчилик талабларига риоя этиш ҳамда коррупцияга қарши қонунчилик меъёрларини бузадиган, шу жумладан, ҳар қандай ташкилот, ҳукумат ва давлат идораси вакиллари, нодавлат юридик шахс ва уларнинг вакиллари пул ёки бошқа кўринишдаги пора таклиф қилиш, ваъда бериш, қонунга зид тўловларни амалга ошириш каби ҳаракатларни бажармаслик мажбуриятини оладилар.

8.3 Мазкур Шартномага тегишли, барча ёзма равишда расмийлаштирилган ва Томонларнинг ваколатли ходимлари томонидан имзоланган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақиқий ҳисобланади.

8.4 Ҳеч бир Томон, мазкур Шартнома бўйича олган ҳуқуқ ва мажбуриятларини, бошқа Томоннинг ёзма рухсатисиз учинчи шахсларга юклатиш ҳуқуқига эга эмас.

8.5 Манзил, банк ёки бошқа реквизитлар ўзгарган тақдирда, Томонлар ўзгариш содир бўлган санадан 5 (беш) календар куни давомида бошқа Томонни хабардор қилиши керак. Ушбу юқоридаги шартнинг бажарилмаслиги, мазкур Шартнома мажбуриятларини бажармаслик ҳисобланади.

8.6 Томонлардан бирининг қайта ташкил этилиши, мазкур Шартнома шартларини ўзгартириш ёки уни бекор қилиш учун асос бўлмайди. Бу ҳолда Шартнома мажбуриятлари тегишли Томоннинг ворисига ўтади.

8.7 Мазкур Шартноманинг барча иловалари, унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

8.8 Томонларнинг бир-бирига юборадиган, мазкур Шартнома билан боғлиқ барча хабар ва маълумотлар қуйидаги тартибда жўнатилиши шарт:

а) мазкур Шартнома Томонларининг ваколатли ёки ҳар қандай ходимига шахсан топширилади ва имзоланади;

б) шахсан топшириш имконияти бўлмаган тақдирда, олганлигини тасдиқловчи хабарнома билан буюртма хат орқали жўнатилади.

8.9 Мазкур Шартнома икки нусхада, давлат тилида тузилди, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга.

9. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Бажарувчи

“ALOQALOYIHA” ДУК
100011 Тошкент шаҳри, А.Навоий
кўчаси, 14А-уй
Т.(71)241-62-50
х/р 2021 0000 9001 1787 8001
АТБ Алоқабанк Тошкент ш.
МФО 00401
СТИР 204610664 АОФТ (ОКЭД) 71120

Буюртмачи

“Binolardan foydalanish va kapital qurilish
direksiyasi” Давлат муассасаси
100128, Тошкент ш., Лабзак к, 70-уй
Т.(99897)7753556
х/р 2021 0000 7052 6363 1001
АТБ “Алоқабанк” Тошкент ш.
МФО 00401 СТИР 207323774
ИФУТ (ОКЭД) 41202

“ALOQALOYIHA” ДУК Директори



Д.Камилов

М.Ў.

“Binolardan foydalanish va kapital qurilish
direksiyasi” Давлат муассасаси Директори



Ф.Алиев

М.Ў.

“Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Лабзак кўчаси 70-уй манзилида жойлашган Дирекция ҳудудидаги 0006-Литер “Е” устакхона биносини транспорт воситалари учун ёпик шаклдаги автотураргоҳга мослаштирилиши ҳамда бинонинг олд қисмида очиқ шийпонли автотураргоҳ ташкил қилиш ва 0007-Литер “Ж” устакхона биносини транспорт воситалари ва ҳайдовчилар хонасига мослаштириш” лойиҳаси доирасида муаллифлик назоратини ўтказиш нархини келишиш
БАЁННОМАСИ

Биз қуйидаги имзо чекувчилар: бир томондан “Буюртмачи” “Binolardan foydalanish va kapital qurilish direksiyasi” Давлат муассасаси ва иккинчи томондан “Бажарувчи” “ALOQALOYIHA” Давлат унитар корхонаси биргаликда муаллифлик назоратини ўтказиш нархи 15 фоиз ҚҚС билан ҳисоблаганда 2 990 000 (Икки миллион тўққиз юз тўксон минг) сўмни ташкил этиб белгиланди ва келишувга эришилди.


Ушбу баённома “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар ва тўловлар учун асосдир. Шартнома баённомаси Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

“ALOQALOYIHA” ДУК Директори



Д.Камилов

“Binolardan foydalanish va kapital qurilish direksiyasi” Давлат муассасаси Директори




Ф.Алиев

Ишларни бажариш муддатлари

Т/Р	Шартнома бўйича бажариладиган ишлар	Ишларни бажариш муддатлари	Иш нархи (сўм)
1	2	3	4
1	Муаллифлик назоратини амалга ошириш	Қурилиш тугагунга қадар	2 990 000 (Икки миллион тўққиз юз тўқсон минг) сўм

“ALOQALOYIHA” ДУК Директори



М.Ў.

Д.Камилов

Бош муҳандис

Лойиҳа бош муҳандиси

“Binolardan foydalanish va kapital qurilish direksiyasi” Давлат .муассасаси Директори



М.Ў.

Ф.Алиев

К.Жалолиддинов

А.Ахмедов